Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 295 (5886).
24 ДЕКАБРЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУНГИ СОНДА:

● ТОШКЕНТЛИКЛАР СЪЕЗД-ОЛДИ ВАХТАСИДА. 1-бет.

● МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ. 2-бет.

● ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН. 3-бет.

Зафарларимиз — КПСС XXVII съездига!

● Уй-жой қурилишларида

МИКРОРАЙОН ЧИРОЙИ

Ленин районидаги Отчопар ва Гайдар кўчалари оралиғида бунёд этилаётган янги микрорайонда ява бир тўққиз қаватли 240 ўринли муҳташам ётоқхона қад кўтарди.

Ишга тушириладиган мазкур объектда йил бошидан буён 159-трестга қарашли 22-қурилиш бошқармасининг К. Зонтов бошлиқ комплекс бригадаси меҳнат қилмоқда. Коллектив маъмурият билан пудрат шартномаси тузган, объектни сифатли қуриб, муддатидан илгари ишга тушириш ана шу шартноманинг асосий бандларидан бири дир. Сўзи билан иш бир қурувчилар бугун объектда умумий қурилиш ишларини поёнига етказдилар. Мазкур трестнинг 53-қурилиш бошқармаси сайқалчилари муддатидан бир ой илгари пардоз ишларига киришдилар.

Бригаданинг С. Одилшоев, В. Халтовский каби қурувчилари ҳар бир ишда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар. Бу илғорлар коллективни янги маррапар сари даъват этмоқда. Чунончи, илғор бригада КПСС XXVII съезди очилишига қадар 1986 йилнинг биринчи квартал топшириғини адо этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

ИБРАТ КЎРСАТИШМОҚДА

Кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмасининг коммунист Муқаддас Юнусова бошлиқ бригадаси аъзолари 23 декабрга қадар 1985 йил планини адо этиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишган эди. Бу мажбурият муддатидан илгари, 5 декабрда адо этилди. Планга қўшимча 20 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Касбига меҳр қўйган, аҳдига вафодор коммунистларимиз жуда кўп, — дейди бирлашма партия ташкилотининг секретари А. Мустақимов. — Улар ишлаб чиқаришда фаол иштирок этиш билан бир қаторда депутатлик бурчларини, мураббийлик вазифаларини ҳам сидқидилдан бажармоқдалар.

— Аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун аввало интизом яхши бўлиши керак, —дейди Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Маҳбуба Азларова.— Ана шунда план ва мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилади. Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш оддий воқеа бўлиб қолади. Коммунистлар н и н г кўпчилиги ҳозир ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётганлиги бунга яққол далилдир. Бичиқчи Ориф Қосимов, тикувчилардан Мамлакат Мўйдинова, Ҳилол Саидмирзаев, Ҳалима Абдуллаева, Муяссар Илҳомова, Роза Светличная сингари ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари унумдорликни оширишда намуна кўрсатишмоқда.

Г. МАМБЕТОВА.

ТРАНСПОРТЧИЛАРНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб ишлаётган 2-трамвай депоси коллективи беш йиллик топшириқни барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан олдин бажаришга муваффақ бўлди. 250 миллион йўловчи манзилига элтиб қўйилди. Ҳаракат составининг фойдали иш коэффициенти ўнинчи беш йилликка таққослаганда 16 процентга кўпайди, 112,8 минг сўмлик фойда олинди, таннарх 2,9 процентга камайди.

Социалистик мажбуриятнинг бошқа бандлари ҳам муваффақиятли уддаланди. Кўплаб иссиқлик ва электр энергияси, рангли ва қора металл тежаб қолинди. Р. Асадуллин, Н. Журавлев, В. Шабельников ва А. Качасов етакчилик қилаётган ремонтчилар бригадалари яхши натижаларга эришишди. Х. Содиқхўжаев, Т. Марченко, А. Голоцан, А. Федина сингари ҳайдовчилар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга хизмат маданиятини юксалтиришга эришдилар.

Янги техникани жорий этиш борасида ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, «Татра—3» типидаги 10 та чех вагони, трамвай вагонларидаги батарея аккумуляторларини зарядловчи янги ускуна ўзлаштирилди. Буларнинг ҳаммаси депо коллективига 50 минг сўмликдан зиёд иқтисодий фойда олиш имконини берди.

Корхона ишчи ва хизматчилари иш жараёнини механизациялашга катта аҳамият беришмоқда. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида умумий иқтисодий самараси 57 минг сўмлик бўлган 130 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасига партия XXVII съездига бағишланган республика мусобақасидаги муваффақиятлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг вимпели ҳамда республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломи топширилди. Бирлашма коллективи маҳсулот реализация қилиш бўйича ўн бир ойлик ишлаб чиқариш планини 1592 минг сўм ортиғи билан адо этди, сўнгги йил мобайнида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати 11 процентдан зиёдроқни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш бирлашмасининг барча етти заводида шахсий беш йиллик топшириғини Улуғ Октябрининг 68 йиллиги арафасида бажарган илғорлар оз эмас. Ўн иккинчи цех штампаловчиси Р. Усмонов, 35-цех чарҳловчиси В. Журавка ва бошқа коммунистлар шулар жумласидандир. 5-цех электр монтажчиси, шаҳар партия комитетининг аъзоси Л. Валетова эса ҳозир 1901 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаётган «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг коллективи ҳозир янги беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ унумли меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда.

К. МЕЗЕНЦЕВА.

СУРАТДА: бирлашманинг етакчи заводи реле созловчиси Т. Бондюгина. У ҳозир 1987 йил ҳисобига меҳнат қилаяпти.

В. Сироткин фотоси.

● Мактаб ислоҳоти — амалда

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАРКАЗИ

Умумий таълим мактабларининг юқори синфларида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» махсус курсининг ўқув программасига киритилиши айни муддао бўлди. Бу ўқув ва методик тадбир толиби илмларни электрон-ҳисоблаш машиналарида ишлашни ўргатишга кенг йўл очиб берди.

Республикамиз педагогик коллективларига бу соҳада амалий ва методик жиҳатдан кўрсатмалар бериш мақсадида Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти ҳузурида алоҳида информатика лабораторияси ташкил этилди. Ўзига хос илғор тажрибалар марказига айланиб қолувчи мазкур лаборатория янги курс бўйича ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш, ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиб уларни умумлаштирган ҳолда жойларда ёйиш каби ишлар билан ҳам яқиндан шуғулланади.

Лаборатория малакали мутахассислар билан таъминланди.

ЎҚУВЧИЛАРГА ТОРТИҚ

«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» махсус курсининг жорий этилиши мактабларда ўзига хос ҳисоблаш марказларини ташкил этишга кенг йўл очиб берди. Бундай ҳайрли ишга пойтахтимиздаги 240-ўрта мактаб педагогик коллективи ҳам дадил киришди.

Ўқув-ҳисоблаш марказини бунёд этиш учун уни қатор қурилма ва «ақлли» машиналар билан таъминлаш тадбирлари кўрилди. Физика ўқитувчиси Т. А. Жокова ёзги каникул вақтида «Атомтеплоэлектропроект» илмий муассасасида бўлиб, ўқув жараёнига мос электрон ҳисоблаш машиналари намуналарини олиб келди.

«Наири — 3—1» маркали «ақлли» машина ҳисоблаш техникаси бўйича ташкил этилаётган курс машғулотларига жуда мос бўлиб тушди. «Атомтеплоэлектропроект»дан билим ўчоғига оталиқ ёрдами сифатида тортиқ қилинган бу машинани монтаж қилишда ҳам шу ташкилот мутахассислари педагогик коллективга яқиндан кўмаклашди.

Даромадли соҳа

XXV Тошкент шаҳар партия конференциясида Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш учун корхоналар ва ташкилотлар ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиши уқтириб ўтилган эди. Жумладан, шаҳримизнинг бир қатор корхоналари, масалан «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида шу соҳага етарли эътибор берилмаётганлиги айтиб ўтилди.

Бирлашма коммунистлари бу танқиддан тегишли хулоса чиқариб олиб Оҳангарон районидаги 30 гектар майдонда ташкил этилган ёрдамчи хўжаликда биринчи навбатда амалга ошириладиган ишларнинг аниқ режаларини тузиб чиқдилар. Бу хўжаликнинг ер тепаликларида жойлашган бўлиб лалмикордир. Лекин ишнинг мушкул томони шундаки, сув махсус қувурлар орқали хўжаликка чиқарилади. Корхона бу ишларни амалга оширишга ўчун 80 тонна қувур тайёрлаб, уни ишлатиладиган жойга етказиб берди.

Хўжалик махсус озуқа базаси бўлган чорвачилик билан етарли шуғулланади. «Узгипросельстрой» институти бирлашманинг буюртмаси асосида ана шу ихчам комплекснинг лойиҳасини тайёрлаб берди. Қурувчилар билан шартнома тузилди. Бирлашмада олиб борилаётган тараддуд ишларига кўра бу ёрдамчи хўжалик келгусида ўзини ҳар томонлама оқлайди ва корхонанинг даромадли участкасига айланиб қолади.

Шонли сана шарафига

«Ташхимсельмаш» заводида «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада Владимир Анатольевич Андреев бошлиқ токарлар бригадаси мунтазам пешқадамлик қиляпти. Беш ишчидан иборат ушбу коллектив 16 станокка хизмат кўрсатади. Бу нормадагидан уч станок кўп. Бригада план-топшириқларини мунтазам оширириб адо этиш билан бирга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига эришяпти. Партиямиз съездолди ҳужжатларини синчиклаб ўрганган В. Андреев бригадаси ўз зиммасига оширилган мажбурият қабул қилди — 1986 йилнинг икки ойлик топшириғи мамлакатимиз коммунистларининг анжумани очиладиган кунга қадар бажарилади.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) токарлар А. Дроздов, С. Ковальчук, Д. Бобилев, И. Михеев ва бригадир В. Андреев съездолди ҳужжатларини ўрганишмоқда.

Н. Сурников фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Танзания Бирлашган республикаси Революцион партияси (Чама ча мапиндузи — ЧЧМ) Марказий Комитетини (Сиёсий бюроси)нинг, миллий ижроия комитет секретариатининг аъзоси, ЧЧМ қароргоҳи ташкилий бўлимининг мудири Мозес Ннауйе бошчилигидаги шу партия делегацияси Тошкентга келди. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига бордилар.

23 декабрда делегацияни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов қабул қилди.

ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг 23 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Е. Е. Березиқов ижодий союз президиуми раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева қатнашди.

(ЎзТАГ).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1985 йил 29 декабрь якшанба дам олиш кунини 31 декабрь сешанба кунига кўчиришга қарор қилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● «Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекси» эълон қилинган.

БУЮРТМА АСОСИДА

XXV шаҳар партия конференциясида муҳокама қилинган муҳим масалалардан бири фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлаш бўлди. Ҳозирги илмий техника тараққиётини бу алоқасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Министрликлар ёки турли идоралар билан ҳамкорликда соҳа илмий тадқиқот ва конструкторлик бюролари лабораториялар и н и ташкил этиш ижобий натижалар бермоқда. Ҳозирда илмий фаолияти республика енгил саноат министрлиги билан боғланган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика институтида шундай лаборатория ишлаб турибди. Бу ерда техника фанлари кандидати Т. Ю. Омонов бошчилик қилаётган олимлар группаси кўн корхоналарида ярим тайёр маҳсулотларни юклаш учун ишланган ўзига хос махсус механизм тайёрлади. Унинг дастлабки намунаси Кўқондаги хром чармлари заводида тадбиқ этилади. Бундан бир йилда 25 минг сўм иқтисодий самара олинади.

● Маданият хроникаси

Янги кўргазма

Республика кино уйида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ҳамза номидаги академик драма театрининг бош рассоми Георгий Брим асарларидан тузилган кўргазма муваффақият билан намойиш этилмоқда. Кўргазманинг асосий қисмини рассомнинг театр декорацияси санъати бўйича яратган асарлари ташкил қилади.

Таниқли рассом республикамизнинг бош саҳнасида намойиш этилган кўплаб спектаклларга декорациялар яратди. Ушбу декорациялар, эскизлар саҳна асарларининг муваффақиятли чиқишида, томошабин кўнглига сингишида катта роль ўйнади. Комил Яшиннинг «Инқилоб бори», Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», Ф. Шиллернинг «Мария Стюарт», Софокленинг «Шоҳ Эдип», Уйғуннинг «Ибн Сино», Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» сингари асарлари бўйича қўйилган спектаклларга ишланган декорациялар, саҳна безаклари шулар жумласидандир. Кўргазмада рассомнинг ана шу асарларидан салкам икки юз хили санъат шайдолари эътиборига ҳавола қилинган.

ҲАЁТБАХШ АСАРЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Рўзи Чориев асарларидан ташкил топган экспозиция томошабинлар диққатини жалб этмоқда. Истеъдодли рассомнинг турли йилларда яратган портрет, манзара, ғоявий мазмунга эга бўлган полотнолари Ўзбекистон тасвирий санъати ҳазинасига қўшилган дурдона асарлар бўлиб қолади. Унинг «Икром Акбаров», «Беруний», «А. Пугаченкова», «Келин», «Сурхондарё оҳанглари» каби ўндан ошиқ асарлари санъатишқибозларида қизиқиш уйғотмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

● Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА

Қўйлиқдаги 1-теплица комбинати республикамиз пойтахти аҳолисини қиш кунлари ёз неъматлари билан пешма-пеш таъминламоқда. Бу ерда кўплаб бодринг, помидор ва ҳар хил резаворлар етиштириладн. Улар янги йил арафасида аҳоли дастурхонига 900 тонна бодринг ва 400 тонна помидор етказиб беришга аҳд қилишган.

Ҳамшаҳарларимизга бу маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришда Б. Худойқулова бошчилик қилаётган бригада азаматлари ва О. Сандрасулов раҳбарлигидаги участка ишчилари намуна кўрсатишмоқда. Улар планни 120—130 процент қилиб адо этишяпти.

Ҳозир теплица комбинати 21 гектар майдонни эгаллаган. Ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб теплица яна 6 гектарга кенгаяди.

«ХАМСА»НИНГ 500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Алишер Навоийнинг ўлмас асари — «Хамса» мана беш асрдирки, одамларнинг ақли ва қалбини тўлқинлантириб, уларни инсонпарварлик ва адолатга ўргатиб келмоқда. Ўрта аср буюк мутафаккири ижодининг чўққиси бўлмиш беш достон жаҳон маданияти хазинасидан жой олиб, унинг ажралмас қисми бўлиб қолди. «Хамса»нинг 500 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча қатнашчилари шуни таъкидлаб ўтдилар. Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик театрида 23 декабрда ўтди.

Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Уйғун, филология фанлари доктори А. П. Қаюмов, Тожикистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Маниёзов ва бошқа нотиқлар «Хамса»нинг ғоят катта аҳамиятини, унинг ўзбек адабий тилини ривожлантиришдаги ролини таъкидладилар. Навоийнинг китобини қайта-қайта қўлга олиб ўқийдиган ҳар бир киши ўзи учун илҳомбахш образлар ва ўй-фикрлар дунёсини, эзгулик ва порлоқ орзу-умидлар дунёсини очади.

Кеча охирида қўйилган концертда шоирнинг ўлмас сатрлари жаранглади, унинг асарларидаги қаҳрамонлар жонланди. (ЎзТАГ).

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Главташпассавтотранс» бошқармасига мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан янги маркадаги автобус ва такси машиналари келиб турибди. Шу йилнинг фақат декабрь ойида 35 та «ЛАЗ—695», бешта «Икарус—260, 280» маркадаги автобуслар, 10 та такси машинаси олинди.

Йил охирига қадар яна 28 та енгил такси машиналари, 218 та автобус, 70 та «РАФ—2203» маркали ўн йўловчига мўлжалланган қулай автобуслар олинади.

ҚЎШМА ШТАТЛАР ЯДРО ПОРТЛАТИШЛАРИНИ ТЎХТАТИШДАН БОШ ТОРТМОҚДА

Вашингтон, 23 декабрь. (ТАСС). Илгари хабар қилинганидек, яқинда Оқ уй матбуот секретарининг ўринбосари ўзининг матбуот конференциясида ҳар қандай ядро портлатишларини тўхтатиш тўғрисидаги совет таклифи хусусида салбий жавоб қайтарди.

Л. Спикснинг айтган гапларидан шундай хулоса келиб чиқадики, ядро синовларини тўхтатиш, бунинг устига уларни умуман тақиқлаш тўғрисидаги масала томонларнинг ядровий аслаҳаларни анча қисқартиришга эришилмагунга қадар гўё уни ҳал этиб бўлмас эмиш. Таъбир жоиз бўлса, бундай «важ-карсон» ҳеч бўлмаганда ғалати туюлади. Бундай мантиққа амал қилинганда, ҳатто, нисбатан оддий нарсалар, масалан, ядро портлатишларини ўзаро тўхтатиб қўйиш номаълум вақтгача кечиктирилган бўлур эди.

Ядро портлатишларини тўхтатиш тўғрисидаги масала хусусида Совет Иттифоқининг АҚШ президентига мурожаатидан кузатилган мақсад СССР билан АҚШнинг ишни ядровий қуролланишт пойгасини тўхтатиш ва ҳамжиҳат ниятини намойиш қилишдан иборат эди. Нима учун икки мамлакат — Совет Иттифоқи ва АҚШ биргаликда қадам қўя олмаслиги — ядро портлатишларини тўхтата олмаслигининг бирон бир чинакам ишонтирарли сабаблари йўқ. Ядро портлатишларини тўхтатиш ядровий ва космик қуролларга бағишлаб Женевада ўтказилаётган музокараларнинг бутун жараёнига кучли омил бахш этиши турган гап бўлган салмоқли тадбир бўлиб қолур эди. Бу тадбир ушбу масалани ҳал этишда иккала мамлакат раҳбарларининг шахсий муваффақиятига қўшилган бўлур эди.

● ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ ●

МОЗАМБИК—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

МАПУТУ, 23 декабрь. (ТАСС мухбири). Мапуту шаҳри ижроия комитетининг раиси А. Массаваньяне Мозамбик Республикаси билан СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига юксак баҳо берди. У пойтахтдаги портда бўлиб ўтган Мозамбик—Совет дўстлиги митингида нутқ сўзлади. Митингда чет мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳамкорлик Мозамбик уюшмасининг бош секретари А. Мутемба, шунингдек визит билан бу ерга келган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Т. Я. Шарипов бошчилигидаги совет делегациясининг аъзолари ҳам ҳозир бўлдилар.

Совет Иттифоқи, деб уқтирди А. Массаваньяне, халқ оммасининг мустамлака ҳукмронлигига қарши миллий-озодлик курашини дастлабки кунданоқ қўллаб-қувватлади. Мустақилликка эришилгандан сўнг Советлар мамлакатининг Мозамбик Халқ Республикасига кўмаги ва мадади кенгайиб бормоқда, деб таъкидлади А. Массаваньяне. У ФРЕЛИМО партияси билан КПСС ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта аҳамиятга эга эканини уқтирди.

● Табиат музейида

ДИЁРИМИЗ ГЎЗАЛЛИГИ

Республика табиат музейида реконструкция ишлари ниҳоясига етказилди. Натижада бу ерда ташкил этилган «Ўзбекистон арчазорлари» деб номланган экспозиция томошабинлар диққатини жалб этмоқда. Унда уч хил ям-яшил гўзал арча турлари намойиш этилмоқда. Зарафшон, Туркистон номли арчалар ўзининг гўзаллиги билан табиатимиз бойлигини намойиш этяпти. Арчазорларда киши диққатини жалб этадиган яна бир ажойиб хусусият ям-яшил ўтлоқлардир. Уларда ранг-баранг ҳайвонот олами турлари яшаб кўпаймоқда.

Бу манзарали ландшафтни рассом А. Я. Стимбан бошчилигидаги музей ходимлари тайёрладилар. Бу группа йигирма йилдан буён рес. публикамизнинг сўлим ва бебаҳо табиати ҳақида ҳикоя қилувчи жозибали экспозицияларни тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

• Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз •

МУСОБАҚА ТАЪСИРЧАН ВА ҚАМРОВЛИ БЎЛСИН

ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАШ —БОЙЛИГИМИЗ ЙЎЛИ, ҲАММА ВАЗИФАЛАР ОРАСИДА ЧИНАКАМ ОЛИЙ ВАЗИФА ЭКАНЛИГИ ТУШУНЧАСИ ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИНИНГ ОНГИДАН ЧУҚУР ЖОЙ ОЛИШИ ЛОЗИМ. БУ — БУТУН ПАРТИЯНИНГ, БУТУН ХАЛҚНИНГ ИШИДИР.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

- КОММУНИСТИК ХИСЛАТ
- ХИЛМА-ХИЛ СИФАТЛИ БУЮМЛАР КЎПАЙСИН
- КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ ЯНГИ АНЪАНАСИ
- КИЙИМ ВА МУАММО

ТЕЖАМКОРЛИК

• КИРОВ ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ •

Мусобақадош районларнинг коллективлари маҳсулот реализация қилиш бўйича шу йилнинг январь-ноябрь ойлари топшириғини муваффақиятли уддалашди. Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, бу кўрсаткич Киров районида 101,9, Собир Раҳимов районида 101,5 процентни ташкил этди. Планга қўшимча Киров райони 3.753, Собир Раҳимов райони 3.718 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Киров районида 101,9 процентга, Собир Раҳимов районида эса 101,8 процентга тенг бўлди. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,3 ва 104,9 процентни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш плани Киров районида 102,3, Собир Раҳимов районида эса 101,9 процент адо этилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ҳажмини кўпайтириш мусобақадош районларда 100 ва 93,9 процентни ташкил этди.

«Узбексельмаш», «Центрэнергоремонт» ишлаб чиқариш бирлашмалари (Киров райони), Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси, Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг бадиий-конструкторлик бюроси, 4-йирик панелли уйсозлик заводи (Собир Раҳимов райони) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 8 ва ундан зиёд процентга кўпайтиришга эришдилар.

Киров районидаги «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Центрэнергоремонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Собир Раҳимов районидаги Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процентга ошириш ва маҳсулот таннархини пландагидан 0,5 процентга камайтириш бўйича социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддалашди.

Бироқ, айрим корхоналар бир неча техник-иқтисодий кўрсаткичларни бажара олмадилар. «Ўртоқ» кондитер фабрикаси (Киров райони), «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси, кўн-галантерея буюмлари фабрикаси (Собир Раҳимов райони) меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процентга ошириш бўйича социалистик мажбуриятни бажара олмадилар. «Технолог» илмий, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмалари, «ТашНИИВС» (Киров райони), «Миконд», тажриба-механика экскаватор ремонти, 3-йирик панелли уйсозлик, «Геологоразведка» заводлари, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси (Собир Раҳимов райони) маҳсулот таннархини планга қўшимча камайтириш бўйича социалистик мажбуриятини бажара олмади.

Қатор корхоналар шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш ҳажми планини уддалай олмадилар. Уларнинг орасида Киров районидаги асбобсозлик заводи, тамаки ва «Ўртоқ» кондитер фабрикалари, Собир Раҳимов районидаги «Тошкент» мебель ва «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмалари, «Миконд», дурадгорлик буюмлари, 4-йирик панелли уйсозлик заводлари, бош кийимлар фабрикаси бор.

Асбобсозлик заводи, 1-ғишт заводлари бошқармаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси (Киров райони), «Тошкент» мебель бирлашмаси, «Компрессор», дурадгорлик буюмлари, 10-автомобиль ремонти заводлари (Собир Раҳимов райони) тайёрланаётган маҳсулот таннархининг қимматлашишига йўл қўйдилар.

Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш плани Киров районида 96,9, Собир Раҳимов районида эса 102,9 процент адо этилди. Тамаки ва «Ўртоқ» кондитер фабрикалари (Киров райони), «Тошкент» мебель ва «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмалари, Тошкент мармар, «Металлообработка» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Миконд» заводи (Собир Раҳимов райони) кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни уддалай олмадилар.

Шу йилнинг январь-ноябрь ойлари социалистик мусобақаси якунларини Собир Раҳимов район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлимининг мудири Қ. НЕЪМАТОВ шарҳлайди:

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари фан-техника ютуқлари асосида халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, хом ашё ва ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш муҳим вазифа эканлигини кўрсатиб берди. Партиянинг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган съездолди ҳужжатларида хом ашё, материал ва энергия ресурсларини тежашга алоҳида эътибор берилган. «Иқтисод режими» кучайтирилсин, — дейилади СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида.— Ҳамма турдаги ресурсларни оқилона ва тежаб-тергаб сарфлаш, уларнинг нобуд бўлишини камайтиришга сабот билан эришилсин, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз технологияларга ўтиш жадал амалга оширилсин».

Собир Раҳимов районидаги саноат корхоналарида бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Партия анжумани шарафига бошланган социалистик мусобақа яхши самараларга омил бўляпти. Барча меҳнат коллективларида фойдаланилмаган резервларни топиш ва ишга тушириш учун қизғин кураш бормоқда.

Район меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятига икки кун тежалган хом ашё ҳисобига ишлашни ёзиб қўйишган эди. Бу марра шараф билан эгалланмоқда. Масалан, Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводида шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида йиллик мажбуриятда белгиланган 111 тонна ўрнига 87 тонна қора прокат, 425 гигакалорий иссиқлик ва 420 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Корхоналардаги тежамкорлик бригада пудрати, меҳнатни янгича ташкил этиш, тежамкорликнинг шахсий ҳисоби, муқобил планлар асосида вужудга келмоқда. Ишлаб чиқарувчиларнинг ўз вазифаларига масъулият билан қарашлари, ижодкорликлари катта роль ўйнаяпти. Шу туфайли ҳам заводда металлни тежашга хизмат қиладиган жуда кўп рационализаторлик таклифлари жорий этилди.

Халқ назоратчилари, деворий газета активистлари электр ва иссиқлик энергиясини сарфлашни қатъий назорат қилиб боришяпти. «Комсомол прожектори» активистлари ҳам бу ишда фаол қатнашмоқдалар. Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ҳам четда қолишаётгани йўқ. Корхона партия ташкилоти резервларни ишга туширишда катта роль ўйнамоқда.

«Компрессор» заводида янги «ПР—10/8—М2» сериясидаги компрессорларни ўзлаштиришда металл сарфи ҳажми анча камайтирилди. Деталларга ишлов бериш технологиясини, қуюв жараёнини такомиллаштириш эвазига 119 тонна металл прокати тежаб қолинди. Бундан ташқари 1000 гигакалорийдан зиёд иссиқлик ва 165 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Бу —пландагидан анча кўпдир.

Чинни, 10-авторемонт, «Геологоразведка» заводларида ҳам омилкорлик билан иш тутилмоқда. Афсус билан айтиш керакки, райондаги барча саноат корхоналарида ҳам материал ва энергетика ресурсларидан фойдаланишга давлат нуқтаи-назаридан ёндошиляпти. деб бўлмайди. Агрегат заводида ортиқча металл сарфлашга йўл қўйилмоқда. «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида иссиқлик ва электр энергиясини асраш бўйича қабул қилинган социалистик мажбурият бажарилмаяпти. «Промстройматериали» трестининг ёғочни қайта ишлаш заводи, пиллакашлик фабрикасида электр энергиясини тежаш бўйича планлар уддаланмаяпти.

Мусобақадошларимиз бўлган Киров райони меҳнаткашларидан материал ва хом ашёни асраш бўйича тўпланган тажрибаларни ўрганмоқдамиз. Жумладан, район корхоналарининг раҳбарлари «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлишиб, хом ашё ва материалларни, тайёр маҳсулотларни асраш ва ҳисобга олишни ташкил этиш билан танишдилар. Бу тажрибани ўз корхоналарида ҳам қўллай бошладилар.

Ресурсларни ҳисобга олиб бориш ва уларни омилкорлик билан сарфлаш тежамкорликнинг бош омилидир. Тежамкорлик соҳасидаги иш худди шундан бошланиши керак. Техника ва технологияни такомиллаштириш, илғор иш усулларини жорий этиш ҳам бу ишда асосий резерв ҳисобланади. Ҳар бир кишини бу ишга жалб этиш муҳимдир. Халқ моддий бойликларини асраш ва тежаб-тергаш учун барча ишлаб чиқариш коллективлари ва ҳар бир меҳнаткаши жон куйдириши керак.

Бу масалаларнинг ҳал этилиши ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш, ўн иккинчи беш йилликда зарбдор суръатда ишлашга шароит яратади.

Киров ва Собир Раҳимов районлари саноат корхоналарининг коллективлари азалдан мусобақа асосида ишлашади. Меҳнат беллашувлари тўпланган илғор тажрибаларини оммалаштириш ва жорий этишга, камчиликларини ўз вақтида аниқлашга кенг шароит яратмоқда.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-цехининг бичиқчиси Галина Фёдоровна Закритная (ўртада) ҳозир 1992 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. У ўз тажрибаси, маҳоратини ёшларга меҳр билан ўргатмоқда; «Компрессор» заводидаги ускуналар ремонти бригадаси «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида бошланган социалистик мусобақада мунтазам пешқадамлик қилмоқда; бригада аъзолари (чапдан- ўнгга) Б. Шамсутдинов, слесарлар А. Альберт, В. Савченко ва А. Небольсин (юқорида).

В. Молгачев ва М. Нуритдинов фотолари.

• Сўз ва иш бирлиги

ОМИЛКОРЛИК САМАРАСИ

«Тежамкорликка қатъий амал қилиб, йил охирига қадар икки кун тежаб қолинган электр энергияси ҳисобига маҳсулот тайёрлашга эришамиз».

(9-шина ремонти заводи коллективининг 1985 йил учун социалистик мажбуриятидан).

Корхонамиз меҳнаткашлари йил бошиданоқ зиммага олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддалаш учун енг шимариб ишга киришдилар. Меҳнат беллашувига якун чиқарилаётганда хом ашё ва энергия ресурсларини тежашга алоҳида эътибор берилди. Шу боисдан ҳам натижалар яхшиланиб борди.

Кўп миқдорда тежаб қолинган энергия ҳисобига икки кун ишладик. Шанбаликларда ҳамма ўз иш жойига етиб келди. Маҳсулотни кўп ва сифатли тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир иш ижодкорликни, изланишни талаб этади. Корхонамиз коллективи совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллиги арафасида бир кун Тинчлик фондига ишлаб бериш ташаббуси билан чиқди. Ғалаба байрами арафасида ўтказилган шанбаликда ишлаб топилган 400 сўм маблағ Тинчлик фондига ўтказилди. Бу кун ҳам тежаб қолинган энергия ҳисобига меҳнат қилдик.

Социалистик мусобақа фақат тежамкорликни мустаҳкамлашга г и н а эмас, бошқа кўрсаткичларни ҳам яхшилашга катта ёрдам беряпти. Заводимиз коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича беш йиллик планни муддатидан олдин бажарганлиги бунинг далилидир. Ўтган давр мобайнида 9.245 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, йил охирига қадар беш йиллик планга қўшимча 132 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилдик. Бу марра ҳам эгалланиш арафасида турибди.

Эришилаётган муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз. Мен етакчилик қилаётган бригадада 19 ишчи меҳнат қилади. 1983 йилдан бошлаб ягона наряд асосида ишлаяпмиз. Бу ҳар бир кишининг топширилган вазифа учун масъулиятини оширди, интизомни мустаҳкамлади. Шу туфайли ҳам ҳозир ҳар сменада 100 та ўрнига 110 та автомобиль шинасини сифатли ремонтдан чиқаришга муваффақ бўлмоқдамиз. О. Мираҳмедов, П. Расулов, М. Ҳикматов сингари илғорларимиз ишни сифатли бажаришда бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.

Йил давомида тайёрлаган маҳсулотларимиз учун биронта ҳам рекламация олмадик. Бу ҳам ишимизнинг сифати яхшиланиб бораётганлигидан далолатдир. Қисқа қилиб айтганда, корхонамиз коллективи зиммасига олган социалистик мажбуриятни барча кўрсаткичлар бўйича уддалаётганлиги билан фахрланамиз.

З. АЗИМОВ,
9-шина ремонти заводи комплекс бригадасининг бошлиғи.

1985 йил планига қўшимча 2000 дона буюм, 30 минг сўмлик товар маҳсулоти тайёрланади ва 20 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(Республика трикотаж буюмлари моделлари уйининг социалистик мажбуриятидан).

• Қолоқларни маълум қиламиз

ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАР НЕГА КАМ?

Корхона номининг ўзи Ўзбекистонда ягона бўлган ва мамлакатимиздаги кўпгина корхоналардан бири ҳисобланган бу корхонанинг республикамизда тайёрланаётган трикотаж буюмлари модасини расмийлаштириши лозимлигини англатди. Шу мақсадда ўн биринчи беш йилликнинг бошланишида моделлар уйи ташкил этилган эди. Унинг тикланиш даври осон бўлмади. Ҳамма нарсани йўқдан бор қилишга тўғри келди. Аввалги кўн заводининг биноларини мослаштириш ва жиҳозлашга тўғри келди. Бошқа ускуналар ўрнатилди, мутахассислар танланди, умуман коллектив шакллана бошлади. Ёш корхонага асосан эндигина институтни битирган, кечаги ўқувчилар бўлган ёшлар келишди. Улар ишни ўрганишлари, янги касбнинг сирларини ўзлаштиришлари лозим эди. Коллективда ҳар бир янги газлама, янги модель яратилганида жуда қувонишарди. Бир вақтнинг ўзида савдо ташкилотларига кичик серияларда маҳсулот тайёрлаб берадиган экспериментал цех ҳам куч тўплай бошлади.

Орадан тўрт йил ўтди. Бу моделлар уйи ўз вазифасини оқлаши ва магазин пештахталарида, фабрикаларда коллектив томонидан тайёрланган чиройли ва хушбичим трикотаж маҳсулотлари бўлишини таъминлашга етадиган муддат эди. Афсуски, бундай бўлмади. Биз ҳануз бошқа иттифоқдош республикаларда тайёрланган ёки чет элдан келтирилган трикотаж буюмлари сотилаётган жойда харидорлар саф тортиб турганини кўрмоқдамиз. Пойтахтимиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг моделчилари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам харидорларга манзур бўлмоқда. Республика трикотаж буюмлари моделлари уйида тайёрланаётган маҳсулотлар эса зўр-базўр сотилмоқда. Шу йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида корхона пландагидан 15 минг сўмлик кам маҳсулот реализация қилди.

Бундай ҳолларда одатда сабабни коллективдан, унинг раҳбарларидан қидирилади. Тўғри, уларнинг айблари бор, албатта. Бироқ вазиятга бошқа томондан ёндашиб кўрайлик. Биринчидан, моделлар уйининг вазифасини аниқлайлик. Ҳозир трикотаж буюмлари тайёрланаётган ҳар бир корхонада 2—3 ой давомида шу корхонада яратилган янгиликларни жорий этиш қувватига эга бўлган экспериментал лаборатория, цехлар мавжуд. Республика трикотаж буюмлари моделлари уйида эса янги буюмни тайёрлашга баъзида ярим йил кетади. Бу ердаги рақобатда моделлар уйи ютқазаётганлиги равшан. Республикадаги кекса трикотаж корхоналари, шу жумладан Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозирги кун моделларини олиш бўйича корхона билан шартнома тузган бўлишига қарамасдан ундан техник ҳужжатлар олишга муштоқ эмас.

Шундай экан моделлар уйининг ўзи керакми? Бошқа иттифоқдош республикаларн и н г тажрибаси бу нарса зарур эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ у бутунлай бошқа вазифани бажариши керак. Масалан, Болтиқ бўйидаги моделлар уйлари мода йўналишини бир неча йил олдин, республиканинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб бермоқда. Айни пайтда ўша ўлканинг иқлими ҳам ҳисобга олиняпти. Бошқа корхоналарга методик ишларни амалга оширишда ёрдамлашмоқда. Ўзбекистондаги трикотаж фабрикалари ана шундай ёрдамни рад этадими?

— Нима деяпсиз ўзи,— дея жавоб берди «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери вазифасини бажарувчи Н. Мотелева. — Кийимлар моделлари йўналиши истиқболи билан кимдир шуғулланса, бундай масалаларни ҳал қилишда бизга ёрдам қўлини чўзса ниҳоятда хурсанд бўлардик.

— Республика трикотаж буюмлари моделлари уйи ёрдам бермаяптими?

— Назаримда, —дея суҳбатни давом эттирди Нина Филипповна, —у бунга тайёр эмас. Бизни шу кун учун тайёрланган моделларнинг сифати ҳам қониқтирмаяпти. Конструкторлар томонидан техник ҳужжатларни тайёрлашда жуда кўп хатоларга йўл қўйилмоқда. Уларни олгандан кейин биз ишлаб чиқаришга жорий этиш мутлақо мумкин эмаслигига дуч келяпмиз. Оқибатда уларни қайтариб юборишга ёки ўзимиз камчиликларни бартараф этишга мажбур бўлмоқдамиз.

Корхона директори Т. Маҳмудова ҳам республика трикотаж буюмлари моделлари уйи ишини тубдан ўзгартириш тарафдори. У корхонани тиклашда катта хизматлар қилди. Бироқ ҳозирги пайтда коллектив катта қийинчиликни бошдан кечирмоқда.

Бош инженер ва экспериментал тикув цехи раҳбарининг йўқлиги туфайли директор Т. Маҳмудова чуқур тушунмаган ҳолда ишлаб чиқариш масалаларини ўзи ҳал қилмоқда. Мутахассисларнинг маслаҳатларига эътибор бермай, уларнинг танқидий фикрларини ҳисобга олмаяпти. Бунга коллектив дарҳол ўз муносабатини билдирди.

Одамлар етишмаётган бир пайтда кадрлар қўнимсизлиги кўпайиб кетди, меҳнат интизоми бўшашди. Бош иқтисодчи, план бўлими, бичиқ цехи, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи, директор ўринбосари ишдан бўшаш ҳақида ариза берди. Корхона партия касаба союз ташкилотининг раҳбарлари унинг хатоларини ўзига тушунтиришмади, трикотаж буюмлари моделлари уйида тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати ёмон эканлигини ошкора қилмадилар. Коллективда социалистик мусобақа расмиятчилик учун ташкил этилган. Ҳозирга қадар учинчи кварталга якун чиқарилгани йўқ, ғолиблар аниқланмаган. Натижада ишлаб чиқаришда инсон омилининг моҳияти йўққа чиқарилмоқда.

1986—2000 йилларда кенг халқ истеъмол буюмлари ва маиший хизмат кўрсатишни комплекс ривожлантириш программасида саноат корхоналарининг олдига халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Партиянинг програм талабларини бажариш учун республика трикотаж буюмлари моделлари уйи ўз ишини қайта қуриши, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, XXV Тошкент шаҳар партия конференцияси қарорларидан келиб чиққан ҳолда коллективга раҳбарлик қилиш услубини ўзгартириши лозим. Республика трикотаж буюмлари моделлари уйида тайёрланган маҳсулотлар ва трикотаж фабрикалари учун ҳозирланган янгиликлар харидорларга манзур бўлиши, уларнинг талабларини қондириши лозим.

В. СЕРГЕЕВ.

Минскдаги «Гранат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи саноат роботларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор беряпти. Ҳозирги кунда бу ерда ишлаб чиқарилган роботлар мамлакатимиз саноат корхонасида кенг қўлланилаётир.

СУРАТДА: созловчилар В. Терентьев (чапда) ва И. Гленовичлар саноат роботларини йиғишмоқда.

РЕАКТОРНИНГ «САРГУЗАШТЛАРИ»

ДЗЕРЖИНСК. (Горький области). Иссиқлик билан таъминловчи биринчи атом станциясининг реакторини элтиб беришдек мисли кўрилмаган қийин иш бажарилди. Мамлакатимизда биринчи бўлиб ана шундай нозик юк қиш фаслида монтаж қилинадиган ерга сув орқали етказиб берилди. Бугун Дзержинск шаҳридаги химия машинасозлиги заводи портида 200 тонналик корпус реакторини бошқа транспорт воситаларига ортиш бошланди. Куни кеча эса «Волга — Дон—143» теплоходи ана шу реакторни портга олиб келган эди, деб хабар беради ТАСС мухбири.

Комсомол-ёш л а р экипажи бошқарган ана шу теплоходнинг бу галги сафари ҳар жиҳатдан ўзгача эди. Нозик юк ҳам эҳтиёткорлик билан ортилди. Йўл азобини айтмайсизми, 23 мингдан ортиқ километр узунликдаги йўл музлаб қолган дарёлардан, одам қўли билан яратилган ва ҳозир муз қоплаётган денгизлардан ўтди. Денгизда қатнов шарт-шароитини «айтиб турадиган» кўрсаткичлар ҳам йўқ эди.

«Волга—Дон—143» теплоходи учун «Капитан Чадаев» ва «Капитан Демидов» музёрарлари йўл очиб борарди. Волга ва Кама пароходчилигига қарашли ана шу музёрарларнинг қудратига қарамай, карвон сафари осон бўлмади. Куйбишев сув омборидан ўтишаётганида икки километрлик масофани босмоқ учун тўққиз соат зарур бўлди, кемани деярли муз қамалидан олиб чиқишга тўғри келди. Лекин шу қадар машаққатли йўл ҳарқалай 9 кеча-кундузда босиб ўтилди ва теплоход капитани А. Дривеннинг гапларига қараганда, бирон-бир кўнгилсиз ҳодиса рўй бергани йўқ.

Энди реактор корпусини махсус баржага ўрнатиб, дарёга солинади. Сўнгра эса қудратли тягачлар уни монтаж қилинадиган ерга судраб боради.

Реактор корпусини Волга-Дондан етказиб келишдек ноёб транспорт операцияси ва айниқса шу юкнинг музлаб қолган Волга дарёсидан олиб ўтилиши мутахассисларнинг фикрича, катта меҳнат жасоратини талаб этди. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиздаги ҳеч қайси дарёда шундай нозик юк бу қадар оғир шароитларда ташилмаган эди.

Ишнинг мураккаблиги тоза сувда сузишга мўлжалланган теплоходнинг музёрар кетидан муз парчалари орасида сузишидагина эмас. Ҳамма гап Волга гидроэлектростанциялар каскадининг тўғонлари орқали декабрь ойида ана шу йўлни очиб беришда эди. Юзлаб одамлар ана шу карвон йўлидаги сув музлаб қолмаслиги учун ҳамма тадбирларни кўрдилар. Қирғоқларда эса сигнализация воситалари ўрнатилди. Дзержинск шаҳрида эса причал ишга солиниб, муздан тозаланади. У оғир юкларни қабул қилишга мосланди.

Бу ишлар осон кўчмади ва арзонга тушмади. Уларни иссиқлик билан таъминлашни атом станцияси қоплаши керак. Бу станция шунингдек «Химмаш» заводи порти атрофидаги портлатишлар оқибатида нобуд бўлган балиқлар қийматини ҳам тўлайди. Оқилона хўжалик юритишни ўйлайдиган бўлса бу жуда тўғри ишдир.

Хўш, бу ишларни шунчалик ташвиш орттирмасдан қилса бўлмасмиди? деган савол туғилади. Бошқа транспортда ташишнинг иложи йўқ эди деб жавоб бериш мумкин. Бу қадар баҳайбат юкни темир йўлда ташиб бўлмайди. Автомобиль йўлларда эса кўприклар реактор оғирлигига тоб бера олмай қолган бўлур эди. Албатта, бу транспорт операцияси ёзда арзонга тушарди. Ана шундай бўлиши илгаридан назарда тутилган эди. Дарвоқе, «Атоммаш» ҳам биринчи реактор корпусини Горький шаҳри ишчиларига кўкламда етказиб бериши керак эди. Кейинроқ завод августда жўнатамиз, деб ваъда қилди. Октябрь, унинг кетидан ноябрь келди ва ниҳоят завод реакторни декабрь ойида жўнатди.

Ҳамонки, шундоқ бўлган экан, Горький ишчилари ҳозир биз таърифлаб берган мураккаб ишни зиммаларига олишлари ёки станция қурилишига сарфлаган катта маблағни яна тўрт ой мобайнида «тахт» қилиб қўйишлари керак эди.

Дастлабки смета бўйича реакторни монтаж қилинадиган жойга элтиб бериш станцияга 200 мингга тушиши керак эди. Энди эса деярли 1 миллион сўмга тушадиган бўлди.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

8-цехнинг П. Кречетов ишлаётган участкаси илғор тажрибалар мактаби бўлиб қолди. Илғор ишчининг ўн бир нафар шогирди бу ерда олган малакалари туфайли беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида мураббийлар ҳаракати кенг ёйилди. 7-цехда иккинчи ва учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати орденларининг кавалери Арина Шек бу ҳаракатга бошчилик қилмоқда. Ремонт-механика цехида кўпгина пешқадамлар токарь А. Лоренц ва фрезерчи В. Шиваревнинг шогирдларимиз, деб фахрланиб гапиришади.

• Ўзбекистоннинг Бош кўргазмасида

РЕСПУБЛИКА ПАНОРАМАСИ

Республикамиз бош виставкасининг бағри кейинги икки йил мобайнида янада кенгайди, «Пахтачилик», Капитал қурилиш ва қурилиш материаллари», «Республика ирригаторлари ва мелиораторлари техника ўқуви уйи» янги павильонлари ишга тушди. Бугунги кунда виставканинг бағри 72 гектардан иборат бўлиб, унинг павильонлари томошабинларни республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича ҳикоя қилувчи 25 мингдан зиёд экспонат билан таништирмоқда.

1986 йилдан бошлаб ва ўн иккинчи беш йилликда пойтахтимиз меҳмонлари ва тошкентликлар республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида қандай янгиликлар билан танишадилар?

Ўзбекистон индустрияси бугунги кунда 26 минг номдан ортиқ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Уларнинг энг яхши намуналари виставканинг экспонатларига айланади. Шу йилнинг ўзида 170 тематик виставка, кўрик кўргазмалар, шу жумладан халқаро тадбирлар ўтказилди. Халқ хўжалиги соҳалари мутахассислари учун юзга яқин семинар-кенгаш ва илғор тажриба мактаби ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси коллективи олдида келгуси беш йилликда илмий-техника тараққиёти асосида республика иқтисодий ва социал тараққиётининг асосий йўналишларини пропаганда қилиш борасида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. СССРни иқтисодий социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган Асосий йўналишлари лойиҳасидан келиб чиқиб халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича кўргазмалар ташкил этиш мўлжалланган. Саноат, транспорт ва алоқа соҳаларида ҳисоблаш техникаси ва бошқариш системасидан оқилона фойдаланган ҳолда комплекс-механизация ва автоматика қандай ривожланиши кенг кўламда кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, ҳосилдорликни кўтариш, қўл меҳнатини камайтириш бўйича материаллар жамланади ва намойишга қўйилади.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни ривожлантириш ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар илғор меҳнат коллективларининг тажрибаси, халқ учун муносиб буюмлар тайёрлаб чиқараётган коллективлар фаолияти билан таништиради. Келгуси беш йилликда иқтисодий самараси бир миллион сўмгача бўлган ечимлар кўрик-конкурслари ташкил этилади.

Экспозицияларни мунтазам янгилаб боришдан ташқари келгуси йили ютга соҳалараро ва соҳа тематик кўргазмалари, 48 та кўрик кўргазма, 25 та фотокўргазма ташкил этилади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ўзида илғор тажрибани оммалаштиришни қамраб олади.

Айрим бўлимлар, экспозициялар Қорақалпоғистон ва республикамизнинг барча областлари меҳнаткашларининг ютуқларига бағишланади.

Ҳозирги пайтда бу ерда КПСС XXVII ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига бағишланган социалистик мусобақа якунларини намойиш этувчи ҳисобот кўргазмалари ташкил этилган. Бундан ташқари «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» социалистик мусобақасининг ғолиблари бўлган илғор коллективлар ютуқлари, мамлакат коммунистлари анжумани шарафига илғор починларнинг ташаббускорлари тажрибасини пропаганда қилишга катта аҳамият берилади.

«... Илмий — ишлаб чиқариш бирлашмалари тармоғи кенгайтирилиб, уларнинг диққат-эътибори асбоб-ускуналар ва технология комплексларининг янги туркумларини яратишга ва кенг жорий этишга, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини мунтазам такомиллаштиришга қаратилсин...

...Фан-техника тараққиётини таъминлашда, фан ва техника ютуқларидан ўз вақтида фойдаланишда корхоналарнинг конструкторлик, технология ва бошқа инженерлик хизматлари роли оширилсин...»

(СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасидан).

• Илмий муассасаларда

МАДАДКОР МАШИНАЛАР

Халқимизда: «Деҳқон бўлсанг, шудгор қил», деган нақл бор. Бунга амал қилган деҳқонларимиз айни кунларда кузги-қишки ишларни авж олдириб, экиндан бўшаган ерларни пешма-пеш ҳайдамоқдалар, яхоб суви бериб, ернинг шўрини ювмоқдалар. Далага маҳаллий ва минерал ўғит чиқариб, ерни баҳорги экинга тахт қилиб қўйишмоқда.

Экинларга ишлов беришда, ерни ҳайдаб, то шудгор қилгунга қадар трактор ва турли механизмлар даланинг у боши билан бу бошига бир неча марталаб бориб келади. Мутахассислар тракторларнинг бундай ҳаракати натижасида ерлар босилиб, ҳатто ҳайдалганда ҳам маълум қисми қатқалоқ бўлиб қолишини кузатганлар. Бу қатқалоқ айниқса ернинг шўрини ювишда жуда сезилади.

Кейинги йилларда ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг ирригация ва мелиорация ишларини механизациялаш бўлимининг аҳил коллективи янги ерларни очиш, ҳайдаш ва шўрини ювишда ишлатиладиган машиналар комплексини ишлаб чиқди. Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш, ер шўрини ювиш ва қатқалоғини юмшатиш ишларида қўлланилаётган «РН—61» маркали машиналар конструкторлик бюро коллективи томонидан яратилди. Уларга ўрнатилган механизмлар 40 сантиметр ва ҳатто ундан ҳам чуқурроқ ерларни маълум кенгликда тик кесиб боради. Тракторга осонликча тиркаланади ва айлана жойларда автомат тарзда юқори кўтарилади.

Мутахассисларнинг тавсиясига кўра, ҳатто бу машина билан қатқалоқ кузатилмаган ерлар ҳам ҳар 3—4 йил ичида юмшатиб турилибди. Машинанинг яна бир хосияти шундаки, у билан ерларни ҳайдаш ҳам, экин экиш ҳам мумкин. Бу ўз йўлида кам ҳаражат сарфлаб, мўл ҳосил олиш имкониятини бермоқда.

Республикамиз деҳқонлари шўрхок ерлар шўрини ювмай туриб, айниқса пахтадан мўл ҳосил олиб бўлмаслигини яхши биладилар. Шунинг учун ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш ҳайдаб, унинг шўрини ювишга киришадилар. Бу ишларни, албатта техникасиз амалга ошириб бўлмайди. Деҳқонларимизга бу ишда мадад бўлиб турган бульдозерлар ўрнини мана 2-3 йил бўлдики, «ВД—61», «ППА—3,1», «ПЛ—5» каби машиналар эгаллади. Масалан, биргина «ВД—61» маркали машинани олайлик. У ер шўрини ювишда пол олиш ишларини бажаради. Агар бульдозер бир соатда 120 погон метр пол олса, янги машина шу муддат ичида 600 погон метр пол олади. Ернинг шўри ювиб бўлингач, пол текисловчи «ВР—401» маркали машина ишга туширилади. У бульдозерга қараганда беш баравар кўп фойда келтиради.

Биргина «ППА—3,1» машинаси бир ой ишлатилиш вақтида хўжаликка 1295 сўм фойда келтирса, «ВД—61» маркали машина эса 15522 сўм маблағни тежаб қолмоқда. Агар улар бир ой эмас, доимий ишлатилганда қанчадан-қанча маблағ тежаб қолиниши сир эмас. Ҳозирги кунда бу машиналар конструкторлик бюроси қошидаги тажриба заводида, Қўқон мотор заводида, Краснодар ўлкасининг Качубей заводларида кенг миқёсда ишлаб чиқарилмоқда.

Деҳқонларимизга ҳамиша мададкор бўлаётган, уларнинг оғирини енгил қилиш учун ҳамиша изланаётган бўлим инженер ва конструкторларидан бўлим бошлиғи П. Ким, бош инженер А. Тохри, етакчи инженерлардан Р. Черкезов, Л. Лушниченко, Р. Мусаев ва бошқа ўртоқларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Уларнинг доимий изланиши ва машаққатли меҳнатлари туфайли ҳаёт синовидан ўтиб, авторлик гувоҳномасига сазовор бўлган ўнлаб янги машиналар бугунги кунда далаларда жавлон урмоқда.

Конструкторлик бюросининг мутахассислари СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида таъкидланган «Ихтирочилик ва патент-лизенция иши яхшилансин. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг халқ хўжалигига тезроқ жорий этилиши учун ҳамма зарур шароитлар яратилсин» деган сўзларга амал қилиб янада янги, такомиллашган машиналар ишлаб чиқаришларига ишончимиз комил.



И. УСМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: конструкторлик бюросида яратилган машиналар намунаси.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

• Асосий рекорд—саломатлик

Ҳар куни мусобақа

Республикамиз пойтахтидаги темирйўлчилар стадионида «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти Ленин район Совети физкультура коллективларининг мазкур спорт жамияти ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган 1 спартакиадаси ниҳоясига етмоқда. Спартакиадада физкультура коллективлари спортнинг тўққиз тури бўйича беллашишмоқда. Бугун биз бу мусобақанинг маррага етган баъзи спорт турлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Спартакиадада биринчи бўлиб волейбол бўйича аёллар командалари ўз баҳсларини якунлашди. Беллашувда Тошкент метрополитени қизлари биринчи бўлишди. Иккинчи ўринни Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлими командаси эгаллади. Совринли учинчи ўрин вагон ремонти заводи қизларига насиб этди. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти стадионида бўлган футболчилар беллашуви жуда қизиқарли кураш остида ўтди. Бунда ғолиблик учун муросасиз кураш олиб борган Ховос темирйўлчилар командаси зафар қучди. Фахрли иккинчи ўринни «Ташметрострой» футболчилари қўлга киритишди. Пойтахт темирйўлчи-спортчиларининг н г муваффақиятига ўйновчи тренер Г. Шуховцев, «Ташметропроект» институти инженери В. Журавлев, мастер А. Ермаков, «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг болалар-ўсмирлар спорт мактаби футбол бўйича тренери Д. Шелочков ва С. Ефимовлар катта ҳисса қўшдилар. Футболчилар турнирда фахрли учинчи ўринга «Средазтрансстрой» тресги вакиллари сазовор бўлдилар.

Стол тенниси бўйича бўлган мусобақада олтмишга яқин спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Баҳсда Тошкент метрополитени вакиллари — ишчилар В. Индев ва В. Брейкин, шунингдек Ўрта Осиё темир йўл бўлими вакили С. Елецкийларнинг қўллари баланд келди. Аёллар ўртасида эса темир йўл бўлими инженерлари С. Панфилова ва Т. Мишенина ғалаба қозонишди. 13-кўприксозлар отряди теннисчиси А. Хомитренко якка разрядда учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақада шахматчилар баҳси ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Бунда «Метрострой» вакиллари ғолиб чиқишди. Метро қурувчилар командаси шарафини «Ташметропроект» институти инженери, спорт мастерлигига номзод Г. Берин, биринчи разрядли шахматчилар М. Крачков, Е. Шутов ва О. Шалиналар ҳимоя қилишди. «Средазтрансстрой» тресги шахматчилар командаси иккинчи ўринни эгаллашди. Совринли учинчи ўрин метрополитен вакилларига насиб этди.

Баскетболчилар турнирида Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси вакиллари ғалаба қозонишди. Улар кескин кураш остида ўтган финал баҳсида метрополитен баскетболчиларини мағлуб этдилар. Совринли учинчи ўрин учун бўлган беллашувда ховослик спортчиларга омад кулиб боқди. Аёллар турнирида Тошкент метрополитени баскетболчилари биринчи бўлишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни вагон ремонти заводи ҳамда Ўрта Осиё темирйўл бўлими командалари эгаллашди.

«Локомотив» кўнгилли спорт жамияти Ленин район Совети физкультура коллективлари мусобақаси давом этмоқда. Темирйўл Тошкент бўлимининг қизил бурчагида шашкачилар баҳси ҳам якунланмоқда. Ўтган шанба ва якшанба кунлари «Асосий рекорд — саломатлик» шиори остида ўтаётган спартакиаданинг қолган спорт турлари бўйича беллашувлари темирйўлчиларнинг қолган спорт базаларида ўтказилди.

• Физкультура коллективларида

МУРАББИЙ

Акмал Икромов районидаги 189-ўрта мактаб спорт залида одатдаги машқлар пайти. Тўртинчи-бешинчи синфлардан ташкил этилган бир группа болалар қўл тўпи бўйича дарвозани нишонга олиш усулини тиришқоқлик билан ўрганишяпти. Уларнинг ҳар бири қаттиққўл тренернинг бу топшириғини бехато бажаришга интилишмоқда. Бу уларнинг юзларида ҳам ифода этиб турибди. Болалар навбатдаги буйруқ билан бошқа усулни машқ қила бошлашди. Ёш гандболчиларнинг ҳар бир мураккаб машқларни зўр қизиқиш билан бажараётганларини кузатар экансиз, беихтиёр уларнинг қўл тўпи спортини нақадар яхши кўришининг гувоҳи бўласиз.

Ёш спортчиларнинг гандбол ўйинининг усулбларини ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини тушуниш мумкин. Чунки улар учун ўрнак олса арзигулик кишилар бор. Мактабнинг терма командаси қўл тўпи бўйича Ўзбекистон ССР физкультура коллективлари ўртасида бир неча марта ғолиб чиққан. Бу ерда ўнта спорт мастери тайёрланди. Уларнинг орасида СССР ёшлар терма командасининг аъзолари Г. Травкин, Х. Ахмадиев, спорт мастерлари В. Пришил, В. Ткаченко ва бошқалар бор.

— Биздаги тренерлар коллективидек спорт жонкуярлари билан ишлаш осон ва қизиқарлидир, — деб ҳикоя қилади тренер Альберт Мирзамамедов. — Тажрибали мутахассислар — спорт мастери В. Антонов, Бутуниттифоқ ва халқаро тоифадаги судья, СССР спорт мастери М. Сиротенко ёшларимизнинг мураббийларидир. Улар ёш гандболчиларга ўзларининг спорт маҳоратларини кунт билан ўргатмоқдалар. Шунингдек, устозлар ўз шогирдларининг иродаларини чиниқтирмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, А. Мирзамамедовнинг ўзи шу мактабда 18 йилдан буён ишлаб келмоқда. У бу ерда қўл тўпи секциясининг биринчи ташкилотчиларидан биридир. Ҳозир унинг шогирдлари биринчи лигада қатнашаётган Тошкентнинг «Старт» командасида ўйнашяпти. Альберт Михайлович спортнинг бу қизиқарли турига ўғли Александрда ҳам меҳр уйғотди. Яқинда у ўсмирлар ўртасида СССР чемпиони бўлди.

Б. НИКУЛИШЕВ.

• Шахмат

МАСТЕРЛИК ТУРНИРИ

Тошкентда шахмат бўйича эркаклар ўртасида республика шахмат-шашка клубида мастерлик нормасини берувчи Бутуниттифоқ турнири баҳслари қизғин давом этмоқда. Мусобақада 14 кучли шахматчи дона сурмоқда. Уларнинг орасида республикамизнинг кучли шахматчилари Г. Борисенко, М. Рудерфер, В. Логинов, Р. Зиёвиддинов, Д. Қаюмов, А. Грушевский, Т. Воҳидовлар (ҳаммаси Тошкентдан), халқаро классдаги спорт мастерлари, М. Цейтлин (Ленинград), В. Маленюк (Севастополь), А. Харитонов (Москва), СССР спорт мастерлари В. Епишин (Ленинград), А. Вижманавин (Москва)лар бор. Мусобақанинг 6-турида А. Грушевский М. Цейтлинни, А. Харитонов Г. Борисенкони, А. Вижманавин М. Рудерферни мағлубиятга учратди. Тошкентлик мастерликка номзод А. Тошхўжаев В. Епишин билан, Т. Воҳидов чирчиқлик С. Загребельний билан дуранг натижага эришди. В. Логинов — Д. Қаюмов баҳси қолдирилди.

Шунингдек бу турда турнир пешқадами спорт мастери В. Маланюк билан Ўзбекистон чемпиони Р. Зиёвиддинов ўртасида бўлган баҳс жуда қизиқарли ўтди. Бу беллашувда томонлар француз ҳимоянинг энг кам учрайдиган вариантини қўлладилар. Оқ доналар билан ўйнаган ҳамшаҳримиз Рашид Зиёвиддинов дебютда бир мунча устунликка эришди. Унинг олдида икки йўл турарди. Бири қораларнинг шоҳига ҳужум уюштириш, иккинчиси эса ҳимояланиб туриш. Рашид биринчисини афзал кўрди. Баҳс жуда ҳам кескин ўтиши кутилган эди. Лекин у сипоҳни қурбон қилиб, устунликни қўлга киритишга шошилди. Аммо бу ҳаракат беҳуда кетди. Бундан фойдаланган қоралар тезда баҳсни ўз фойдасига ҳал қилди.

Мусобақанинг бош судьяси, республика тоифасидаги судья Р. В. Ким биз билан бўлган суҳбатда мазкур мусобақа ҳақида шундай деди:

— Бу турнир 8-марта ўтказилмоқда. Бунда шахматчилар ўзаро тажриба алмашадилар, янги СССР спорт мастерлари тайёрланади. Шунингдек турнир шахматчиларнинг рейтингини оширишга ҳам мўлжалланган. Турнир СССР халқларининг IX ёзги спартакиадаси олдидан кўрик вазифасини ўтайди. Мусобақада севастополлик халқаро классдаги спорт мастери В. Маланюк яхши ўйин кўрсатмоқда. У 1985 йилги мамлакат чемпионати 1-лигаси ғолибидир. Мухлисларнинг ёдида бўлса, москвалик спорт мастери А. Вижманавин ноябрь ойида биринчи Ўзбекистон чемпиони А. Хўжаев хотира совринни учун ўтказилган Бутуниттифоқ турнири ғолиби бўлган эди. Тошкентлик мастерликка номзод А. Тошхўжаев чиройли ва комбинацион ўйин кўрсатмоқда. Мухлисларнинг ундан умидлари катта. Акром бу ишончни оқлайди, деб умид қиламиз. В. Логинов ва Т. Воҳидовлар ҳам яхши ўйнашмоқда. Мусобақа 30 декабргача давом этади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

БЕЛЛАШУВЛАР ХРОНИКАСИ

◆ **ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ**

Шайбали хоккей бўйича биринчи лига шарқий зона командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг дастлабки босқич сўнгги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бу турда Тошкентнинг «Бинокор» командаси Қарағандада маҳаллий «Автомобилист» командаси билан учрашди. Биринчи ўйинда омад майдон эгаларига кулиб боқди. Улар 4:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Такрорий учрашувда эса ўзбекистонлик хоккейчилар яхши ўйин кўрсатишиб, 5:4 ҳисобида ғолиб чиқишди. Энди биринчи лига икки зонасининг учтадан командаси ва олий лигада сўнгги икки ўринни эгаллаган командалар олий лигага йўлланма олиш учун ўтиш турнирини ўтказадилар. Биринчи лиганинг қолган командалари эса Бутуниттифоқ биринчилигида ўз ўринларини сақлаб қолиш учун ўйинни давом эттиришади.

◆ **ҚИЛИЧБОЗЛИК**

Харьковда қиличбозлик бўйича Совет Иттифоқи Кубоги учун бўлган мусобақа маррага етди. Бунда иттифоқдош республикаларнинг терма командалари ва Москва ҳамда Ленинград шаҳарларининг спортчилари иштирок этишди. Мазкур турнирда Ўзбекистон терма командаси қиличбозлари яхши натижага эриша олмадилар. Фақат рапирачилар мусобақасида шахсий ҳисобда тўртинчи ўринни эгаллаган тошкентлик Боқи Абдуқуловнинг ютуғинигина таъкидлаш мумкин.

◆ **БАСКЕТБОЛ**

Янгиободда баскетбол бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ниҳоясига етди. Бу турнирда тошкентлик спортчилар муваффақиятли қатнашиб, биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Фарғона ҳамда пойтахт области ёш баскетболчилари қўлга киритдилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТ — НИКАРАГУА ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

МАНАГУА. Бу ерда иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи Совет — Никарагуа ҳукуматлараро комиссиясининг биринчи мажлиси очилди. Комиссиянинг иши давомида сандиночилар революциясининг ғалабасидан кейин иккала мамлакат ҳукуматлари тузган битимларни бажариш якунлари чиқарилади, экономика, савдо-сотиқ, илм-фан ва техника соҳасидаги икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш йўллари кўриб чиқилади.

Сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, Никарагуа ташқи иқтисодий ҳамкорлик министри Генри Руис мажлисни очиб, АҚШнинг ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий агрессиясига қарши курашаётган сандиночилар революциясига интернационал ёрдам бераётган Совет Иттифоқига Никарагуа халқининг астойдил миннатдорчилигини изҳор этди.

Америка империализмининг айби билан Никарагуа молиявий ва иқтисодий соҳаларда жиддий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда, деб таъкидлади Г. Руис. Аммо никарагуаликлар халқаро ҳамжамиятининг, шу жумладан СССР халқи ва ҳукуматининг мададига таяниб, шу қийинчиликларни бартараф этмоқдалар ва шиддатли курашда қўлга киритилган ўз тақдирини ўзи белгилаш, суверенитет ва миллий мустақиллик ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

Совет—Никарагуа дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик асосига қурилмоқда, деди ўз нутқида музокаралардаги совет делегациясининг бошлиғи СССР Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари А. И. Качанов. Совет Иттифоқи, деб таъкидлади у, ўзининг революцион ғалабаларини қўлга қурол олиб ҳимоя қилишга мажбур бўлган Никарагуа халқи дуч келаётган қийинчиликларга хайриҳоҳлик билан қарамоқда.

ХАЛҚАРО КОНГРЕСС

ИБОДОН. Бу ерда ўтаётган Африка тадқиқотлари бешинчи халқаро конгрессида Африка мамлакатларининг энг муҳим социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этиш учун зарур шарт ҳисобланмиш ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш масалалари диққат марказида турибди.

Бугунги кунда инсониятнинг тақдири масаласи, ер юзи бўстон бўлиб қолаверадими ёки радиоактив қақроқ чўлга айланадими — мана шу масала кўндаланг бўлиб турибди, деди Лагос университетининг профессори А. Адерибигбе. Вашингтон амалга ошираётган «самовий урушлар»га тайёргарлик программаси халқларнинг, шу жумладан Африка халқларининг тинчлик ҳақидаги орзу-умидларига зиддир, деди у. Ҳарбий соҳадаги тадқиқотларга ҳамда қурол-яроғ ишлаб чиқаришга сарфланаётган катта маблағларни тараққиёт эҳтиёжларига сарфлаш лозим.

Империалистик давлатларнинг Африкани эксплуатация қилишни кучайтириш, унинг иқтисодий қарамлигини ошириш йўли ривожланаётган давлатларнинг манфаатларига зиён етказади, деди К. Маркс номидаги Лейпциг университетининг профессори Т. Буттнер. У Африкани мустамлакачиликдан озод этиш, Африка халқларининг ҳақиқий мустақиллик учун курашини қўллаб-қувватлашда СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлади.

ДУНЁ ШАҲАРЛАРИДА

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Кимпия Турзи шаҳридаги металлургия комбинати қуввати оширилмоқда. Шу кунларда юксак даражада легирланган ва углеродли пўлат қуювчи 50 тонналик электр конвертор, шунингдек кончилик саноатида ишлатиладиган кабеллар тайёрлайдиган цех фойдаланишга топширилди. Ушбу объектлар Руминияни социал-иқтисодий ривожлантириш амалдаги беш йиллик планига мувофиқ қурилди.

***

АСЭБ (ЭФИОПИЯ). Эфиопиянинг катта денгиз порти—Асэб ўсмоқда ва ободонлашиб бормоқда. Бу ерда денгиз хўжалиги институти биносининг пойдеворига тош қўйиш маросими бўлиб ўтди. Бу институтнинг ҳар бир курсида мингтагача студент ўқий олади. Институт программасида кемани бошқариш, алоқа, инженерлик ишлари бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш кўзда тутилган. Институтда денгиз биологияси, Қизил денгиз ресурсларини ўзлаштириш проблемаларига доир илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилади.

Асэб уй-жой кварталларининг қиёфаси тез ўзгариб бормоқда. Шаҳар чеккасидаги янги микрорайон соясалқин, шинам коттежлардан иборат бўлиб, уларга порт ишчиларидан 134 оила кўчиб кирди. Унинг ёнида поликлиника, маиший хизмат корхонаси, мактаб қурилди. Сал нарида барпо этилган шаҳар парки дарвозасини денгизчиларнинг машаққатли меҳнатини тасвирловчи кошинкор нақш безаб турибди. Паркда коттеж, спорт майдони ва болалар майдони, гулзор ва хурмо дарахтзори бор бўлиб, унда бир йўла беш мингтагача киши ҳордиқ чиқара олади.

***

ВАШИНГТОН. «Вашингтон пост» газетасининг хабар қилишича, ҳозир Американинг жосуслик маҳкамаларида ишлаётган ходимлар давлат департаментида, энергетика, юстиция, маориф министрликларида, шунингдек уй-жой қурилиши ва шаҳарларни ривожлантириш министрлигида ишлаб турган ҳамма ходимлардан ҳам кўплик қилади. Жосуслик маҳкамаларидаги кадр ходимларнинг ўзи камида 200 минг кишига боради.

***

ПАРИЖ. Париж яқинидаги Вилжюив шаҳарчасида коммунист ва республикачи депутатлар миллий уюшмасининг 4-съезди тугади. Съезднинг кун тартибида Франция Компартиясининг келгуси йил кўкламида ўтказиладиган ялпи парламент сайловига тайёргарлиги билан боғлиқ масалалар асосий ўрин олди. Делегатлар аҳолининг кенг табақаларини коммунистлар сайловолди программасини қўллаб-қувватлашга сафарбар этиш тадбирларини белгиладилар. Съездда сўзга чиққан Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Жорж Марше Франция Компартияси иқтисодий қийинчиликларни тугатиш, миллий экономикани соғломлаштириш, ишсизлик ортишини жиловлаш мақсадини кўзловчи батафсил тадбирлар программасини ўртага қўяётганини айтди. У Франциянинг меҳнат аҳлига мурожаат қилиб, ишчилар синфининг манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилаётган Франция Компартиясининг депутатларини қўллаб-қувватлашга чақирди.



Рим. Мамлакат маъмурларининг социал эҳтиёжлар учун ажратилаётган маблағларнинг кескин камайтирилиши ҳақидаги қарорига қарши Италия пойтахтининг ўн минглаб меҳнаткашлари намойишга чиқишди. Айниқса билим олиш учун сарфланаётган маблағларнинг қирқилиши мактаб ўқувчиларида кескин норозилик уйғотди.

СУРАТДА: намойиш қатнашчилари.

АҚШ Чад ишларига аралашмоқда

БРАЗЗАВИЛЬ. АҚШ Чад ишларига тобора кўпроқ аралашмоқда. Чад миллий бирлик муваққат ҳукумати (МБМХ) раисининг ўринбосари Вадал Абдилқодир Камуге бу ерда маълум қилишича, МБМХ жангчилари Х. Хабре режими томонидан жанг ҳаракатларида қатнашган америкалик икки ёлланган солдатни асир олишган. Бу «омад солдатлари»— Ф. Госс билан Д. Бруссар «Эсса» нефть кампаниясининг «ходимлари» ниқоби остида иш кўришган.

Улар қилган жиноий ишларнинг рад этиб бўлмайдиган далиллари бор, деди Камуге. Чунончи, америкаликлар бораётган вездеход машинасидан ўқ отиш қуроли ва ҳарбий радиостанция топилди. Ҳозирги вақтда Нжамена режими Чад жанубига қўшин тўпламоқда. Камугенинг сўзларига қараганда, бу режим «америкалик ёлланганларни озод қилиш операциясини ўтказишга» ҳаракат қилмоқда.

МБМХнинг маълумотларига кўра, Вашингтон Чадда ўзининг ҳарбий кучларини кўпайтирмоқда. Ҳозирдаёқ 400 дан кўпроқ ҳарбий маслаҳатчи Хабре режимига ёрдам бериш учун келди. Бу маслаҳатчилар бевосита жанг ҳаракатларида иштирок этмоқдалар. Кейинги ойларда Америка қуролини, шу жумладан танклар ва ракеталарни етказиб бериш кўпайтирилди. Чаднинг ғарбидаги Канем префектурасида Хабре армиясининг солдат ва офицерлари пентагонлик инструкторлар раҳбарлигида янги ҳарбий техникани активлик билан ўзлаштирмоқдалар.

Америка ҳарбий хизматчиларидан салкам 50 киши «АҚШ элчихонасини қўриқлаш» баҳонаси билан Нжаменага жойлаштирилган. АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси мамлакат жанубида Америка ҳарбий базасини барпо этишга киришди. 1985 йилнинг январидан бошлаб у ерга ҳарбий техника юборилмоқда. Американинг «Коноко» нефть компанияси паноҳида иғвогарлик операцияси амалга оширилмоқда.

ИРҚЧИЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Жанубий Африка Республикасида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш учун сарфланаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда. Мамлакатда чиқадиган «Ранд дейли мейл» газетасининг хабар беришича, қора танлиларга хизмат кўрсатувчи «Хиллбрау» ва «Барагванат» клиникаларининг маъмурияти 60 нафар тажрибали хирург, терапевт ва медицина ҳамширасини ишдан бўшатишга қарор қилди. Ваҳоланки, мамлакатда ҳар 90 минг африкаликка фақат битта врач тўғри келади. Ҳозирги вақтда 40 ўринли касалхоналарга 120 та бемор жойлаштирилмоқда. Оқ танлилар учун мўлжалланган кўплаб касалхоналар эса бўш турибди.

Айниқса туб маҳаллий аҳоли яшаётган харобаларда аҳвол оғир. Шаҳар ва қишлоқлардан узоқда яшовчи қабила вакилларига умуман медицина хизмати кўрсатилмайди. Очлик, ночорлик, ичимлик сувининг етишмаслиги, туб миллат учун оддий санитария қулайликлари яратилмаганлиги туфайли ҳар йили минглаб африкаликлар ҳаётдан барвақт кўз юмишмоқда. Мамлакатнинг чекка ўлкаларида яшовчи туб қабила вакиллари ўртасида умуман профилактика ишлари ўтказилмайди. Шу боисдан мамлакатда болалар ўлими йилдан-йилга ортиб бормоқда. Фақатгина ўпка касали туфайли Жанубий Африка Республикасида йилига 20 минг киши вафот этмоқда.

16 йиллик саёҳат

Индонезиялик собиқ ўқитувчи 16 йилдан бери ўз мамлакати бўйлаб пиёда сафар қилмоқда. 65 ёшли Сабарна исмли аёл ўтган давр мобайнидаги сафари учун 70 жуфт оёқ кийими сарфлади. 13 минг ороллардан иборат бўлган мамлакат бўйлаб саёҳатчи 5 минг километр йўл босиб ўтди. Айни кунларда жасур аёл ўз таассуротлари ҳақида китоб ёзишни мўлжаллаяпти. Бўлажак саргузашт асари учун саёҳатчи ўзи 16 йил давомида тўплаган бой материалларни асос қилиб олади.

(«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 26 декабрда чиқади).

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

«ФОТОН» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Фотон» телеаппаратураларни ремонт қилувчи янги ихтисослашган заводдир. Бу ерда сиздан фақат Ватанимизда ишлаб чиқарилган ҳамма тур ва моделлардаги рангли тасвирдаги телевизорларни ремонт қилиш учун қабул қилиб олишади. Заявкаларни заводнинг ўзида ва телефон орқали бериш мумкин. Заявка бераётган вақтингизда сиз ўз уй телефонингизни (агар бўлса) маълум қилишингиз шарт.

Заводда «Экспресс» хизмати мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида телеаппаратураларингизни ўз уйингизда заявка берилган дақиқадан бошлаб уч-тўрт соат ичида ремонт қилдириб олишингиз мумкин.

Ихтисослашган «Фотон» заводи фақат Киров районн аҳолисига хизмат кўрсатади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Д-2 квартали, 7-уй (25, 28, 29-трамвайлар; 8, 24э, 51, 60э, 72э, 82, 83, 91, 97, 157, 158, 162, 175, 176, 179, 186-автобуслар; 7, 16, 28-маршрут таксиларининг «Универсам» бекати). Телефонлар: 21-45-15, 21-38-44, 21-38-77.

Иш вақти — 8 дан 20.00 гача, завод танаффуссиз ва дам олиш кунисиз ишлайди.

ИХТИСОСЛАШГАН «ФОТОН» ЗАВОДИНИНГ ИККИТА ФИЛИАЛИ БЎЛИБ, У ЕРДА СИЗГА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛАДИ:

оқ-қора тасвирдаги телевизорлар ремонти.

Адрес: Аҳмад Дониш кўчаси, 8-уй. Телефон 24-95-77;

ҳамма марка ва моделлардаги магнитофонлар ва радиоаппаратуралар ремонти.

Адрес: Энгельс кўчаси, 98-уй. Телефон 35-08-51.

БЎЛАЖАК ТЕЛЕВИЗОР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Телевизор сотиб олганингиздан кейин Сиз уни яшаш жойингиздаги ательеда рўйхатдан ўтказишингиз лозим. Ўша ернинг ўзида аппаратни ўрнатиш ва аппарат паспортидаги маълумотлар (шасси ва кинескоп номерлари)ни зарурий солиштириш учун уйингизга механик чақиртиринг. Бу иш Сизнинг манфаатингизни кўзлаб ва бепул бажариб берилади.

Ҳурматли ўртоқлар! Агар Сизда радиоаппаратуралар билан боғлиқ масалалар юзасидан жойнинг ўзида ҳал этилмай қолган шикоят ёки келишмовчиликлар бўлса, қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз: 77-27-33, 77-83-34.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

УНУТИЛМАС ХОТИРАЛАР

Агарда сизнинг хонадонингизда ФОТОАППАРАТ ва унинг ашёлари ҳамиша муҳайё бўлса, ҳаётингизда рўй берадиган жуда кўп воқеалар бир умрга унутилмас муҳрланиб қолади.

ШАҲРИМИЗДАГИ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДА РАНГ-БАРАНГ ФОТОАППАРАТЛАР КЕНГ КЎЛАМДА СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН. УЛАР: «ЗЕНИТ-Е», «ЗЕНИТ-ЕТ», «ЗЕНИТ-ТТЛ», «ЗЕНИТ-11», «ФЕД-5», «ФЕД-35», «ФЕД-МИКРОН», «ЮПИТЕР», «СМЕНА», «КИЕВ», «КИЕВ-20», «ЛОМО-КОМПАКТ» ДЕБ АТАЛГАН МАРКАЛАРДИР.

ГУМ (телефон 42-27-30).

Қиш фасли менюси

ОДАТДА ҚИШ ФАСЛИДА САБЗАВОТЛАР ДАСТУРХОННИ ТЎКИН ҚИЛАДИ.

Бунинг учун ўз вақтида тараддуд кўрсангиз дастурхонингиз ёз ёки куз фаслидагига қараганда янада хушхўр, лаззатли, ранг-баранг бўлиши турган гап.

БУГУН БИЗ ТУРП ВА ШОЛҒОМДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ХУШХЎР НЕЪМАТЛАР РЕЦЕПТИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

ТУРП САЛАТИ.

Турпни кокил қилиб тўғрайсиз, табга яраша туз сепасиз ва шарбати ҳосил бўлгунча тиндириб қўясиз.

Пиёзни ўсимлик мойида олтинсимон рангга киргунча қовурасиз. Тузланган турпни (аччиғини чиқариб юбориш учун) яхшилаб ювасиз, қозонга соласиз, қовурилган пиёз билан аралаштирасиз ва 5-7 минут давомида тиндириб қўясиз. Шундан кейин бир тилим саримсоқ пиёз, қора ёки қизил мурч, кашнич, лозим бўлса табга яраша туз сепасиз.

Масаллиқ: бир бош йирик турп, ўртача бир бош пиёз, 200 грамм мой, табга яраша дориворлар керак бўлади.

КАРАМ ҚЎШИЛГАН ТУРП САЛАТИ

Яхшилаб тозаланган турпни 10-15 минут давомида совуқ сувга солиб қўясиз, сувни тўкиб ташлайсиз ва турпни қирғичдан ўтказасиз.

Унга майда тўғралган карам соласиз, ўсимлик мойи (бунинг ўрнига қаймоқ ишлатиш ҳам мумкин), туз ва ош кўклар сепасиз.

Масаллиқ: 150 грамм турп, 150 грамм тузланган карам, 2 ош қошиғида ўсимлик мойи, 1 ош қошиғида сирка керак бўлади.

Бундай салат серёғ гўштли таомларга монанд тушади.

Ўзбек пазандачилигида шолғом ишлатиш узоқ вақтлардан кўп одат бўлмаётир. Картошка пайдо бўлмасдан олдин у сабзавотлар орасида пешқадамлик қилган.

Шолғом таркибида етарли миқдорда оқсил, ёғ, беш процент шакар, минерал туз, кўплаб «С» витамини бор.

ШОЛҒОМ КЎПИНЧА ШИФОБАХШ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ.

ШОЛҒОМ ҚОВУРМА

Қўй ёғи думбасини солиб эритасиз, жиззасини кўтариб оласиз, кубик шаклида тўғралган шолғомни солиб қовурасиз. Шундан кейин жигар қўшиб димлайсиз. Қозондаги масаллиқ маромига етиб пишаётганда жиззани соласиз ва сув қуясиз. Қопқоғини ёпиб 10-15 минут давомида милтиратиб қайнатасиз.

Дастурхонга тортишдан олдин майда тўғралган пиёз сепиш мумкин.

Масаллиқ: бир килограмм шолғом, 250 грамм думба ёғи, 500 грамм жигар, 2-3 бош пиёз керак бўлади.

ШОЛҒОМ ТУЗЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Бунинг учун аввал шолғомни яхшилаб тозалаш ва парраклаб тўғраш керак. Шундан кейин шиша банкага ҳар бир қаватига туз ва зира сепиб қаватлаб ташлаб чиқасиз. Устига карам барги ёпиб, ёғоч қопқоқ билан ёпасиз ва босиб туриши учун оғирроқ юк қўясиз. Тузламани қуруқ, совуқ жойга —ўрага қўйсангиз ҳам бўлади.

Икки ҳафтадан кейин истеъмол қилиш мумкин.

«Ташплодоовощ» улгуржи-чакана савдо бирлашмасининг барча магазинларида шолғом ва турп сотилмоқда.

«ТАШПЛОДООВОЩ» (телефон 55-98-29).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/XII да **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XII да **Рўё,** 25/XII да **Куёв.**

кино

24 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚШОМИ» — Санъат саройи (катта зал, 17, 19, 20.45; телефон 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74).

«ҚАРШИ ЗАРБА» — Санъат саройи (кичик зал, 18, 19.45), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТЕРРОР» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ БАРБОД БЎЛИШИ» — Чайка (18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«КЎРИНМАС ОДАМ» — Нукус (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.30 да, телефон 46-70-69).

«ВИЙ» — Ватан (18, 20, 21.30); телефон 78-30-38) **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ОМАДНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«БАГРАТИОН» — Қозоғистон (17, 20.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (17, 20.00; 12, 15, 18, 20.30; телефон 66-15-75).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — М. Шайхзода номли (18.30, 20.40; телефон 42-39-74).

«ЯККАМА-ЯККА» — Искра (18, 20.00; телефон 39-14-59).

25 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚШОМИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13, 15, 17, 19, 20.45; телефонлар: 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74-), **Ватан** (12, 14, 16, 18, 20. 21.30; телефон 74-30-38).

«ҚАРШИ ЗАРБА» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14, 16, 18, 19.45).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚУВИБ ЎТИШ» —**Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«КЎРИНМАС ОДАМ» — **Нукус** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.30), телефон 46-70-69).

« ВИЙ» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Москва** (11; 13.30, 16, 18, 20, 20.40; телефон 33-05-01).

«БАГРАТИОН» — **М. Шайхзода номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 42-39-74), **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00, телефон 35-24-82), **Дружба** (11, 14, 17 20.00; 12, 15, 18, 20.30; телефон 66-15-75).

«ҚОРА КАМОН» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент экскаватор заводига қарашли

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 йил учун

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

программали бошқариладиган станокларда ишловчи токарлар, учиш аппаратларининг йиғувчи-слесари, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, дипломли газ-электр пайвандловчи, техник назорат бўлими контролёри, электр ускуналарини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича электромонтёр, электр кўприкли кран машинисти. 15 ёшдан ошганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил.

Металлар бўйича токарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, электр кўприкли кран машинисти, электр пайвандловчи, техник назорат бўлими контролёри (бу касбга асосан қизлар қабул қилинади), **17 ёшдан ошганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати—бир йил;**

Машинада қолиплаш қолипловчиси, 17 ёшдан ошганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 10 ой.

100 сўм стипендия берилади.

Ўқишга 8-10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига 8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, кўчалик ва иш кийими, ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланади.

Ўқиш муддати иш стажига киради.

Бир йил муддатли ўқишга қабул қилинганлар 65 сўм миқдорида стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида техника ижодкорлиги, радиоҳаваскорлик, фото, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, вокал-чолғу ансамбли фаолият кўрсатади. Секциялар ишлаб турибди. Ёзги таътил пайтида ўқувчилар «Чимган» лагерига ва Ватанимизнинг қаҳрамон шаҳарлари бўйлаб бошқа туристик саёҳатларга чиқадилар.

Билим юртини битирганлар институт ва техникумларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Т. Содиқов кўчаси, 6-уй (4,5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати; 3,22, 23, 26-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекати. Телефон 35-61-30.

Шўх гилам жозибаси

УРГУТ, ШОФИРКОН, ШАҲРИСАБЗ, ХИВАНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ УСТАЛАРИ ҚЎЛДА ВА МАШИНАДА ТАБИИЙ ЖУН, ЖУН АРАЛАШГАН ВА СИНТЕТИК ТОЛАДАН ТЎҚИЛГАН МЎЙЛИ ГИЛАМЛАРИ ВА ПАЛОСЛАРИ

УНИВЕРСАЛ ВА МЕБЕЛЬ МАГАЗИНЛАРИДА

КЕНГ КЎЛАМДА СОТИЛМОҚДА.

«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 76-47-11).

ТВ

сешанба

24 ДЕКАБРЬ

● МТ I

17.40 «Ўрмонлар камайиб қолмасин деб...»
18.00 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Қўлга қурол олинг, ўртоқлар!».
18.30 Балет ёш артистларининг концерти.
19.00 «КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаларини муҳокама қиламиз». ВАСХНИЛ президенти, академик А. А. Никонов сўзи.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Т. Хренников. Скрипка ва оркестр ижроси учун 1- концерт.
19.50 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН. ЛАТВИЯ ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 «Олам кинокамера кўзгусида».
22.55 «Дунё воқеалари».
23.10 «Ҳаммаси сен ҳақингда...». Фильм-концерт премьераси.
23.40 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Васнецов музейи.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Мультфильм.
18.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.40 «Қаҳрамонона касб кишилари». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Қизил палатка». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.40 «Музикали магазин». Мультфильм.
18.55 «Фан-техника тараққиёти». «Фан—ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий резерви» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Миллионлар ленинча университети». «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш— давр талаби».
20.15 «Рассом Р. Чориев». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси камер оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 К. Яшин. «Инқилоб тонги». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Танаффус пайтида— «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Физика. Ёруғликнинг квант назарияси.
19.00 Рус тили —мактабгача ёшдаги болалар учун. Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш жараёнида тарбиявий масалаларни ҳал этиш (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ритмик гимнастика.
20.05 Ўқитувчи экрани.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мангу гўзал Сибирь». Телефильм.
21.00 «Ҳушёрлик—ҳаёт нормаси». «Алкоголь ва оналик».

чоршанба

25 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ярангада чироқ порлайди», Мультфильм.
10.00 «Саёҳатчилар клуби».
11.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
11.30 «Бегомль афсонаси». Ҳужжатли фильм.
11.50 «Музикали аил». Фильм-концерт премьераси.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат студияларининг ҳужжатли фильмлари.
16.20 «Стадион ҳамма учун».
16.55 Ҳужжатли фильм.
17.25 Халқ хори ижросида концерт.
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 Мультфильм.
20.15 «Ишчанлик кайфияти». Ҳужжатли фильм.
20.25 «Афғонистон. Революцияни ўлдириб бўлмайди». Телефильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Наҳот бу ўша Татьяна?» Телефильм.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «Студияда — Мурод Кажлаев».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Заводимиз клубида». Телефильм.
9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 9-синф.
10.05, 13.35 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ихтисослаштирилган ҳунартехника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Галактикалар.
11.35, 12.45 А. П. Чехов. «Хамелеон». 6-синф.
12.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
12.30 «Тўхта, қулоқ сол». Илмийоммабоп фильм.
13.10 «Ер соҳиби». Телеочерк.
14.05 «Қаҳрамонлар — қаҳрамонларнинг ворислари». Ҳужжатли фильм премьераси.
14.55 «В. В. Маяковский театри». Телеспектакль. 2-қисм.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Самоделкин сув остида». Мультфильм.
19.00 «Михаил Светлов билан учрашувлар». Телефильм.
19.30 «Музикали киоск».
20.00 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 И. Дунаевский тароналари.
21.30 «Время».
22.05 «Қизил палатка». Бадиий фильм. 2- серия.
23.25 Гандбол бўйича СССР чемпионати. ЗИИ — «Гранитас».

● ЎзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!» Мультфильм.
8.00 «Тонгги тароналар».
8.10 Студент ёшлар учун. «Ижод ва изланиш».
8.20 «Мактаб ислоҳоти— ҳаётга!» «Мактабда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш».
8.30 «Ахборот».
9.00 «Юлдузча». Киноальманах.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Кун бўйи телевизор кўрадиган бойўғли боласи ҳақида». Қўғирчоқ фильм.
18.20 «Зарница-85» (рус.).
18.50 «Иқтисодий шарҳ».
19.20 «Гўзаллик ҳадя этиб». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон болаликдан бошланади».
20.15 «Ёзувчи ва замон». КПСС программ ҳужжатларини муҳокама қиламиз. Адабий кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон композиторларининг симфоник асарлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ниқоб йиртилди». Бадиий фильм.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00—16.15 МТ II.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун фильм. «Меҳмон отангдан азиз».
18.20 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Адабиёт. В. Шекспир ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
21.30 МТ II

Тошкент политехника институти томонидан **Бегимқулов Бурхон** номига берилган 837122 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат университети томонидан **Каримов Абдуғаппор Қодирович** номига берилган 280007 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар «Металлобитремонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи цех бошлиғи А. Мўминхўжаевга отаси

Мўминхўжа РАҲМОНХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р — 14149 А—2294. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.